

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДАГИ  
ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Мирзаева Наргиза Боқижонова

Технология фани ўқитувчиси

Наманган шаҳар 46-умумтаълим мактаби

+998973660609

MAQOLA  
MALUMOTI

ANNOTATSIYA:

MAQOLA TARIXI:

Received: 06.06.2026

Revised: 07.06.2026

Accepted: 08.06.2026

KALIT SO'ZLAR:

Педагогик технология, замонавий таълим, инновация, интерфаол метод, ахборот технологияси, ўқитиш жараёни, компетенция, креативлик, мустақил фикрлаш, таълим сифати, методика, электрон таълим, рақамли технология, мотивация, ўқув фаолияти, самарадорлик, коммуникация, педагог, билим, ривожланиш.

Мазкур мақолада замонавий таълим тизимида педагогик технологияларнинг ўрни, аҳамияти ва таълим самарадорлигини оширишдаги роли таҳлил қилинган. Бугунги кунда инновацион ёндашувлар, интерфаол методлар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ўқув жараёнининг сифатини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Тадқиқотда педагогик технологиялар орқали талабаларнинг мустақил фикрлаши, ижодий қобилиятлари ва касбий компетенцияларини ривожлантириши масалалари ёритилган. Шунингдек, замонавий таълимда ўқитувчи фаолиятини такомиллаштириши ва таълим жараёнини самарали ташкил этишининг назарий ҳамда амалий жиҳатлари кўриб чиқилган. Мақолада педагогик технологияларнинг таълим сифатини ошириши, билимларни мустаҳкамлаш ва рақобатбардош мутахассислар тайёрлашдаги аҳамияти асослаб берилган.

Таълим жараёни ниҳоятда мураккаб ва кўп компонентлидир. Таълим самарадорлиги педагог ва ўқувчининг фаоллигига, таълим воситаларининг мавжудлигига, таълим жараёнининг ташкилий, илмий-методик мукамаллигига, жамиятда илмли кишиларга бўлган эҳтиёжга ва бошқа ҳали аниқланмаган кўпгина омилларга боғлиқ. Жамият ўзининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий эҳтиёжлари асосида таълим самарадорлиги юқори бўлишини талаб этади. Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган иқтисодий структуралар яратилаётган ҳозирги кунда кенг, чуқур билимли ва билимларни амалда қўллаш оладиган шахсларга талаб кучайиб бормоқда. Билимдон ва тадбиркор, ижтимоий фаол шахс жамият ҳаётида, меҳнатда ўзининг ўрнини топади. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов «...шунини яхшилаб тушуниб олишимиз зарурки, жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик мактабларини шакллантириш, аввало, аҳоли сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғлик фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ», деб кўрсатди. Бундай фаоллик вужудга келиши учун билимдон ва ҳаракатчан, миллий истиқлол ғоясига содиқ бўлган шахсни шакллантириш керак. Таълимнинг барча бўғинларини шундай ташкил этиш керакки, у ёшларга чуқур ва асосли билим бериш билан бирга кенг қамровли фикрлашга ўргатсин. Таълим жараёнида ўқувчида мустақил билим олиш эҳтиёжи шаклланиб бориши ҳозирги куннинг ўқувчидир. Педагогик амалиёт ва тадқиқотларда қатор иш усуллари қўллаб кўрилди. Таълимни муаммоли ташкил этиш, таълимда ўқувчиларни фаоллаштириш, ҳамкорлик педагогикаси, таянч билимларга асосланиш, таълимни оптималлаштириш ва бошқалар тажрибадан ўтди. Лекин бу педагогик воситалар айрим ўқитувчиларда самарали натижа берса ҳам, уни оммавий йўсинда таълим тизимига киритиб бўлмади. Педагогик технологиянинг асосий моҳияти таълимда ўқувчи ларни қизиқтириб ўқитиш ва билимларни тўлиқ ўзлаштиришга эришишдир. Таълимда берилаётган билимларни ўқувчиларнинг аксарият кўпчилиги қисми пухта ўзлаштириши педагогик технологияни жорий этишнинг асосий мақсади ҳисобланади. Педагогик технология асосида дарс ўтишда энг асосий талаб ўқувчининг ҳаётий тажрибаси аввал ўзлаштирган билимлари ва қизиқишлари асосида билим беришни кўзда тутати. Педагогик технология ўрганилаётган соҳа бўйича ўқувчиларда билим етарлича бўлмаган ҳолда ҳам талабада салбий кечинмага ўрин қолдирмасликни, бу ўқувчининг айби эмаслигини тан олишни талаб этади. Фаоллик кўрсатилса, билимларни ўзлаштириб олишга талабаларда ишонч пайдо бўлишига эришиш мумкин. Мавжуд педагогика фанида дарс жараёнига оид берилган маълумотларда эътибор кўпроқ янги билимларни баён этиш, уни мустаҳкамлаш ва натижасини ҳисобга олишга қаратилган. Билим беришда ўқувчининг аввалги билимлари, ҳаётий тажрибаси етарлича ҳисобга олинмаган. Дарс режасида аввал ўтилган мавзунини яқинлаб, янги мавзуга боғлаш таклиф этилган. Лекин шу янги ўтилаётган мавзу бўйича ўқувчининг билимини аниқлаш, мавзуга хос бўладиган дастлабки маълумотларни бериш етарлича амалга оширилмаган. Педагогик технология ўқувчиларнинг ўрганилаётган соҳа бўйича билимларни эсга тушириш, жонлантириш

янги билимни ўзлаштиришга асос бўлади, деб кўрсатади. Билимлар ва тайёргарликни аниқлаш талабани фаоллаштириш ва билим ўзлаштиришга ижобий мотивни келтириб чиқаради. Мавзунини ўрганишга киришишда эркин суҳбат, мунозара, ақлий ҳужум ва бошқа шаклларда жонлантириш мумкин.

Педагогик технология таълим амалиётида учта даражада қўлланилади:

1. Умумий педагогик даража. Умумий педагогик (умумдидактик, умумтарбиявий) технология ўқув-тарбия жараёнининг яхлит тизимлиги, маълум бир регион, ўқув юрти томонидан узлуксиз таълим, таълим тизимининг муайян бир босқичидаги технологиянинг умумий қонуниятлари, илмий-назарий асослари, тамойиллари, амалиётда қўллашнинг умумий хусусиятлари, шарт-шароитларини ифодалайди. Шу ўринда қайд этиш керакки, узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир босқичида таълим мазмуни орқали тегишли ўзига хос мақсад ва вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилганлиги сабабли, педагогик технология ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Бу даражада педагогик технология педагогик тизим тушунчасига синоним ҳисобланади. Унинг таркибига таълим-тарбия жараёнининг мақсад ва вазифаси, мазмуни, восита ва методлари, тарбия жараёнининг объекти ва субъекти фаолиятининг алгоритмлари киради.

2. Хусусий методик даражада педагогик технологиянинг муайян бир предмет, курсни ўқитиш жараёнининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида фойдаланиладиган таълим мазмуни, ўқитиш воситалари, методлари ва шаклларининг мажмуаси тушунилади.

3. Локал (модул) даражада ўқув-тарбия жараёнининг маълум бир қисмининг хусусий дидактик ва тарбиявий мақсадини ҳал этишга қаратилган технология тушунилади. Унда ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, улар билимини назорат қилиш, шахсий фазилатларини шакллантириш каби масалалар кўзда тутилади. Педагогик технологиянинг юқорида қайд этилган учта даражаси бир-бирини тўлдирди ва тақозо этади. Замонавий педагогик технология таълим мақсадини аниқ ўрнатишдан бошлаб то унинг натижаларини баҳолашгача бўлган босқичларнинг ҳар бири учун ижодий фаолиятни талаб этади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек “...мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши аввало илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривож билан, бу борада бизнинг дунё микёсида рақобатдош бўла олишимиз билан узвий боғлиқ.”

### **Хулоса**

Хулоса қилиб айтганда, замонавий таълим тизимида педагогик технологияларни қўллаш таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Инновацион ёндашувлар, интерфаол методлар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг билим олиш жараёнига бўлган

қизиқишини кучайтиради, мустақил фикрлаш ва ижодий ёндашув кўникмаларини ривожлантиради.

Педагогик технологиялар асосида ташкил этилган дарс жараёнлари таълим сифатини ошириш, назарий билимларни амалиёт билан уйғунлаштириш ҳамда ўқувчиларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, замонавий педагогик технологиялар ўқитувчининг касбий маҳоратини такомиллаштириш ва таълим жараёнини самарали бошқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Натижада, педагогик технологияларни таълим тизимига кенг жорий этиш рақобатбардош, замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашга, шунингдек, таълим тизимининг инновацион ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

### Адабиётлар

1. Абдуллаева Ш.А. ва бошқ. "Педагогика" – Тошкент., Фан нашриёти. 2004.
2. Ишмухамедов Р. Педагогик техникани шакллантиришнинг мазмуни ва йўллари. Тошкент. Халқ таълими 1996 й. №4
3. Зуннунов А. Педагогика назарияси. Олий ўқув юрлари учун ўқув қўлланма. Тошкент. Алоқачи. 2006й.
4. Росулов Р.Х., Джураев А., Хакимов Ш.Ш., Норбаева Д.В. Очиститель волокнистого материала. Заявка на изобретение. 2018 г.
5. Салохиддинов, Н. С., Норбаева, Д., Хамиджонов, М. М., & Хамиджонова, Д. З. (2025). Пахтани ишлаб чиқаришда майда ва йирик ифлослик технологиясини аниқлаш. *Ilm, tadqiqot va taraqqiyot/Наука, исследования и развитие*, 1(9), 66-70.
6. Rosulov, R. K., Dzhuraev, A., Norboeva, D. V., & Diyorov, X. G. (2024, March). Substantiation of working bodies parameters of cleaning zone of raw cotton from large weed impurities. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 3045, No. 1). AIP Publishing.
7. Vokhidovna, N. D. (2023). INFLUENCE OF GRID RADIUS ON THE TIME OF INTERACTION WITH FLAT IN THE COTTON CLEANER FROM LARGE LITTER. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876*, 17(09), 38-44.
8. Норбаева, Д. В. (2019). РАЗРАБОТКА И РАСЧЁТ НОВОЙ КОНСТРУКЦИИ КОЛОСНИКОВОЙ РЕШЕТКИ НА УПРУГИХ ОПОРАХ ОЧИСТИТЕЛЯ ХЛОПКА-СЫРЦА. In *ТЕХНИКА И ТЕХНОЛОГИИ: ПУТИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ* (pp. 29-34).
9. Норбаева, Д. В. (2019). РАЗРАБОТКА И РАСЧЁТ НОВОЙ КОНСТРУКЦИИ КОЛОСНИКОВОЙ РЕШЕТКИ НА УПРУГИХ ОПОРАХ ОЧИСТИТЕЛЯ ХЛОПКА-

=====

СЫРЦА. In *ТЕХНИКА И ТЕХНОЛОГИИ: ПУТИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ* (pp. 29-34).

10. Норбаева, Д. В. (2019). ПРЯЖЕННО-ДЕФОРМИРОВАННОЕ СОСТОЯНИЕ ШИНЫ И ЗАГРУЖЕННОСТЬ ЕЕ ЭЛЕМЕНТОВ. In *ТЕХНИКА И ТЕХНОЛОГИИ: ПУТИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ* (pp. 25-29).

11. НОРБАЕВА, Д. (2018). НАРЕЧИЕ КАК ЧАСТЬ РЕЧИ. In *ШКОЛА ЮНЫХ ИННОВАТОРОВ* (pp. 268-269).

12. Xasanovich, R. R. Z., Mardonovich, M. B., & Voxidovna, N. D. Investigation of the Law of Distribution of Cotton in the Cleaning Zone of the Cleaner. *International Journal on Integrated Education*, 3(10), 282-285.

